

I. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 12064 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрида ялпи худудий маҳсулотнинг 48,3 фоизи (2017 йил январь-сентябрида 50,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1142,7 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 17,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 8,2 фоизга ошган;

- 1984,1 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 1,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,2 фоизи) ташкил қилди;

- 950,5 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 26,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди;

- 1120,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,5 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,8 фоизга кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 4,6 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 90,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 83,5 фоизи ёки 2510,8 млрд. сўми (ўсиш 2,8 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 61,3 фоизи ёки 2167,0 млрд. сўми (ўсиш 3,0 фоиз) шакллантирилди;

- 31,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 8,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 102,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 58,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1984,1	99,2
Саноат	1142,7	17,7
Курилиш	1120,8	84,5
Чакана савдо	2510,8	83,5
Юқ ташиш, млнтн.	16,1	90,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	92,8	96,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	31,4	8,8
Импорт, млн. АҚШ долл.	102,8	58,2

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



■ 2017 йил январь-сентябрь ■ 2018 йил январь-сентябрь